

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.29/30.12.2019.1.92.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВА МУКАДДАС АББАСОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ БОЗОРИНИ
СТАТИСТИК БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the doctoral (DSc) dissertation abstract

Умарова Мукаддас Аббасовна

Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорини статистик баҳолашнинг
услугий жиҳатлари..... 3

Умарова Мукаддас Аббасовна

Методологические аспекты статистической оценки рынка труда
Республики Узбекистан..... 34

Umarova Mukaddas Abbasovna

Methodological aspects of the statistical assessment of the labor market of
the Republic of Uzbekistan..... 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 70

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29/30.12.2019.I.92.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВА МУКАДДАС АББАСОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ БОЗОРИНИ
СТАТИСТИК БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

**Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Iqt113 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.instat.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Шадиев Хамид Азимович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ғойибназаров Баходир Каримович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Мирзаев Имомназар Қаландарович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Мухитдинов Худаяр Суюнович
иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти**

Диссертация ҳимояси Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражалар берувчи DSc.29/30.12.2019.I.92.01 рақамли илмий кенгашининг 2021 йил “___” _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42-уй. Тел.: (99871) 202-81-86; факс: (99871) 202-81-86; e-mail: instat.uz.

Диссертация билан Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42-уй. Тел.: (99871) 202-81-86; факс: (99871) 202-81-86 e-mail: instat.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____да тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

С.С. Ғуломов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
и.ф.д., академик

К.Х. Жумаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
и.ф.н., доцент

Б.К. Ғойибназаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёнлари, инновацион ривожланиш ва пандемия барча мамлакатларда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар замонавий меҳнат бозорини ташкил этиш ва уни статистик баҳолашни талаб этмоқда. Замонавий меҳнат бозорини ташкил этишдан асосий мақсад – аҳолининг турмуш сифатини оширишдан иборат. Бунинг учун меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, ишсизлик даражасини пасайтириш, замонавий иш ўринларини яратиш, мамлакат аҳолисини, айниқса, кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш, ишчи кучи захирасини аниқлаш ва замон талабларига жавоб берадиган ҳамда ўз фикр-мулоҳазаларига таяниб иш юритувчи кадрларни тайёрлаш талаб этилади. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг (ХМТ) прогнозларига кўра, жаҳон бўйича 2021 йилда ишсизлик даражаси 6,5 %ни¹, сони эса 200,0 млн. кишидан зиёдни ташкил этиши кутилмоқда. Бироқ 2020 йил дунё аҳолисининг деярли чорак қисми учун бурилиш даври бўлди. Бостон консальтинг групп (BCG) мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, деярли 2 млрд. киши ишсиз ёки ярим кунлик иш билан банд бўлиш хавфи мавжуд. Пандемия оқибатлари туфайли дунёда ҳар олтинчи одам ишсиз қолиши мумкин ва ишсизлик даражаси 17 фоиздан ошади².

Жаҳонда меҳнат бозорининг етакчи иштирокчилари ҳисобланган муассасаларнинг меҳнат бозорини статистик моделлаштириш ва таҳлил қилиш учун эволюцион агентга йўналтирилган тузилмаларини шакллантириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражасини статистик прогнозлаш, норасмий меҳнат муносабатлари ва меҳнат бозори сегментациясини статистик прогнозлаш, миграция жараёнларини мамлакат иқтисодий ўсишига таъсирини статистик прогнозлаш сингари қатор муаммоларнинг илмий ечимларини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқот ишлари ташкил этилган. Бу соҳада статистик кўрсаткичлар тизими ва моделларни тузишга комплекс ёндашиш, статистик таҳлил сифатини ошириш, меҳнат бозори элементларини оптимал бошқариш ва тартибга солишни такомиллаштириш масалалари юзасидан алоҳида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда меҳнат бозорига жалб этилаётган ёш меҳнат ресурсларини иш билан банд этиш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, касаначиликни ривожлантириш, турли соҳаларда кластер тизимини жорий этиш, кам таъминланган оилаларга қорамол ажратиш, шунингдек, бошқа аниқ манзилли инвестиция дастурларининг амалиётга татбиқ этилиши, хорижий мамлакатлар билан ўзаро иқтисодий алоқалар миқёсининг кенгайиши натижасида ишчи кучининг миграция жараёнларини мувофиқлаштириш сингари меҳнат бозорининг асосий элементларини ифодаловчи статистик

¹ <https://www.ilo.org> International Labor Organization. The leading source of labour statistics. SDG indicator 8.5.2- Unemployment rate (%)-annual

² <https://uz.sputniknews.ru/world/20200531/14255555/V-2020-godu-chetvert-naseleniya-planety-mozhet-poteryat-rabotu-iz-za-COVID-19.html>

кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»³да асосий устувор йўналиш сифатида «аҳолининг реал пул даромадлари ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш», «янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблиги ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш» ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш» белгилаб берилди. Бундай масалаларни ҳал этиш учун республикада аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш, меҳнат бозорида вазият мураккаб бўлган туман ва шаҳарлар рўйхатини аниқлаш, ишсизлик даражаси юқори бўлган ва меҳнат бозорида вазият мураккаб бўлган туманларда янги иш ўринларини ташкил этиш масалаларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1011-сон «Ишга жойлаштиришга муҳтож аҳоли сонини аниқлаш, шу жумладан, уй хўжалиқларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишлар ўтказиш, шунингдек, меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини шакллантириш методикасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик-ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴.

Меҳнат бозорини статистик тадқиқ этишнинг услубий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳон миқёсида, жумладан, Bureau of Labor Statistics under the US Department of Labor (АҚШ), International Labor Organization (Швейцария), Federal Statistical Office under the Ministry of Interior of Germany (Германия) ҳамда жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва университетлари ҳисобланган University of Oxford (Буюк Британия), University of California (АҚШ), Yonsei University (Корея Республикаси), United Nation Statistical Commision UNDP, UNESCO каби халқаро ташкилотлар, Москва иқтисодиёт, статистика ва информатика университети, Россия иқтисодиёт университети (Россия), Тошкент давлат иқтисодиёт университети (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Жаҳонда меҳнат бозорини бошқаришни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга оид тадқиқотлар натижасида, жумладан қуйидаги натижаларга эришилган: минимал иш ҳақи ставкалари ва максимал иш вақтини белгилаш услубиётлари, ишсизликка қарши курашнинг пандемия шароитларини ҳисобга олган дастурлари ишлаб чиқилган (Bureau of Labor Statistics under the US Department of Labor); замонавий иқтисодиётда рақамли меҳнат платформаларининг корхоналар, ишчилар ва умуман, жамиятга таъсирини баҳолаш услубиёти такомиллаштирилган (International Labor Organization); ишсизлик, иш билан бандлик, иш ҳақининг мамлакат иқтисодий салоҳиятига таъсири баҳоланган (Federal Statistical Office under the Ministry of Interior of Germany); меҳнат бозорини статистик моделлаштириш ва таҳлил қилиш учун эволюцион агентга йўналтирилган тузилмаларни шакллантириш зарурати асосланган (Yonsei University, Корея Республикаси); Россиянинг демографик ривожланишидаги янги чақириқлар ва муаммолар ечимларининг йўналишлари ишлаб чиқилган (М.В.Ломоносов номли Москва давлат университети).

Жаҳон меҳнат бозорини статистик баҳолашнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича, жумладан меҳнат бозорининг таҳлилий ва симуляцион прогнозини моделлаштириш; иқтисодий фаолият турлари бўйича банд бўлганлар сонини баҳолаш ва прогнозлаш; ишчи кучи, иш билан бандлар ва ишсизлар сонининг прогнози сингари масалаларнинг илмий асосларини такомиллаштириш йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Меҳнат бозорининг шаклланиш босқичлари (даври) бир мунча мураккаб бўлиб, мазкур жараён бир тизимдан иккинчисига ўтишда намоён бўлувчи бошқа иқтисодий ҳолатлар билан

⁴ Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалар асосида тузилган: <https://www.bls.gov>, Quarterly Benchmarking for the Current Employment Survey Matthew Dey, U.S. Bureau of Labor Statistics, Mark A. Loewenstein, U.S. Bureau of Labor Statistics www.ilo.org, ILO Labour Force Estimates and Projections (LFEP) 2018 Key Trends; <https://www.econ.msu.ru/> 13 октябры 2015 года в Совете Федерации Федерального собрания Экономического факультета МГУ профессор Ионцев В.А. Программы научной конференции «Демографическое развитие России: новые вызовы и возможные решения проблем», <http://ifmr.uz/>Чепель С.В. Миграция: Фактор или барьер для инклюзивного экономического роста на постсоветском пространстве; <https://www.bls.gov/>, <https://www.destatis.de>, <https://ec.europa.eu>; www.ilo.org, ILO Labour Force Estimates and Projections (LFEP) 2018 Key Trends.

чамбарчас боғлиқ. Аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори фаолиятига тегишли масалаларни ҳал қилишнинг илмий-назарий ҳамда услубий муаммоларининг айрим жиҳатлари Ж.М.Кейнс, Р.Е.Лукас, А.Освальд, Х.Розан ва Ж.Рудебш, Ф.Хайек каби хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган⁵.

Меҳнат бозорини ривожлантиришдаги меҳнат муносабатлари, ишсизлик, бозор иқтисодиётига ўтишда самарали иш билан бандлик, меҳнат бозорини тартибга солиш муаммолари ҳамда статистик таҳлил ва прогнозлаш масалалари Е.В.Ванкевич, Н.А.Горелов, Т.И.Заславская, В.Г.Костаков, А.Э.Котляр, И.С.Маслова, А.А.Никифорова, Ю.Г.Одегов, Г.Г.Руденко, С.Г.Струмилин, В.И.Плакся⁶, С.А.Айвазян, М.Ю.Архипова, Т.В. Сарычева, Н.В. Стройкина, Т.А.Дуброва, Е.А Долгих, Ю.П. Лукашин, В.С. Мхитарян, А.Л. Орлова, А.Л Пересецкий, А.А. Френкель⁷ сингари МДҲ мамлакатлари олимларининг илмий изланишларида кенг ёритилган.

Республикамизнинг иқтисодчи олимлари К.Х.Абдурахмонов, Н.С.Алиқориев, З.Акбарова, Г.К.Абдурахманова, Л.М.Максакова, Ш.Ю.Махкамова, Х.И.Мўминов, К.З.Хомитов, Р.А.Убайдуллаева,

⁵ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Избр. /Дж.М.Кейнс. – М.:Эксмо, 2007. – 960 с; Lucas R. E. Tobin and Monetarism: A Review Article. Journal of Economic Literature. – 1981. №6 P. 562; Oswald A. The Economic theory of trade unions: an introductory survey. Scandinavian Journal of Economics. –1985. V. 67. P. 160 – 193; Rosen H. Quandt R. E. Estimating a disequilibrium aggregate labour market. Review of Economics and Statistics – 1978 V. 60. P. 371 – 379. Rudebush C.D. Testing for Labour market disequilibrium with and exact excess demand disequilibrium model. Review of, Economics and Statistics. – 1986. V. 68. P. 468–476; Хайек Ф. Безработица и денежная политика. Правительство как генератор «делового цикла». // Экономические науки. – М., 1991. №1 С.91 – 95.; №11. С. 57 – 66; №12. С. 39 – 48.

⁶ Ванкевич Е.В. Экономические проблемы становления рынка труда. – Минск: ООО «Мисанта», 1996. – 68 с. С. 17.; Экономика труда / Под ред. М.А. Винокурова, Н.А. Горелова. – СПб.: Питер, 2004. – 656 с. С. 19.; Заславская Т.И., Рывкина Р.В. Методологические проблемы системного изучения деревни. – Новосибирск: Наука, 1977. – 315 с.; Костаков В.Г., Литвяков П.П. Баланс труда. (Содерж. и методика разработки). Изд. 2 - е доп. и переработ. – М.: Экономика, 1970. 287 с.; Котляр А.Э., Трубин В.В. Проблемы регулирования перераспределения рабочей силы. – М.: Экономика, 1978. – 168 с.; Маслова И.С. Российский рынок труда: монография / И.С. Маслова, В.М. Москович, Т.А. Бараненкова, Е.С. Кубишин. [Отв. ред. Маслова И.С.]; РАН. Ин-т экономики. – М., 1993. - 189 с.; Никифорова А.А. Рынок труда: занятость и безработица. М.: Международные отношения, 1991. – 184 с; Одегов. Ю.Г. Экономика труда: учебник и практикум для академического бакалавриата / Ю.Г. Одегов, Г.Г. Руденко. – 3-е изд., перераб. и доп. — М.: Изд-во. Юрайт, 2015. - 386 с; Струмилин Г.С. Проблемы экономики труда. – М.: Наука, 1982. – 471 с.; Плакся В.И. Безработица: теория и современная российская практика (социально-экономический аспект). – М.: Изд-во РАГС, 2004. С.16.

⁷ Айвазян С.А. Методы эконометрики. Учебник. – И.: Магистр, 2010. С. 512.; Архипова М.Ю. Методология статистического исследования инновационно-технологической деятельности в России: дис.... докт. эконом. наук. – М., 2007. - 423 с.; Сарычева Т. В. Методология комплексного статистического анализа занятости в Российской Федерации по видам экономической деятельности. Автореф. дис... докт. эконом. наук. – М., 2017; Стройкина Н. В. Статистический анализ и прогнозирование развития рынка труда Оренбургской области Автореф. дисс... канд. эконом. наук. – М., 2011; Долгих Е. А. Статистический анализ занятости и безработицы в Российской Федерации. Автореф. дис. канд. эконом. наук. – М., 2010; Лукашин Ю.П. Адаптивные методы краткосрочного прогнозирования временных рядов. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2003. С.416; Айвазян С.А., Мхитарян В.С. Прикладная статистика и основы эконометрики: Учебник. – М.: ЮНИТИ, 1998; Орлова А. Л. Статистическое исследование показателей занятости и безработицы на региональном рынке труда. Автореф. дис... канд. эконом. наук. Орел,-2014; Нартикоев А.Р., Пересецкий А.А. Моделирование динамики распределения доходов в России. // Прикладная эконометрика. – 2019. – Т. 54. – С. 105–125.; Френкель А.А., Волкова Н.Н., Сурков А.А. Повышение точности прогнозирования интегральных показателей на основе объединения прогнозов. Финансы: теория и практика. Т. 21, № 5. 2017.

Ш.Р.Холмўминов, Н.Хўжаев, Т.Ш.Шодиев, С.С.Ғуломов, Б.К.Ғойибназаров⁸ ва бошқалар томонидан бозор иқтисодиётига асосланган тамойиллар асосида меҳнат бозорининг таркиб топиши, аҳолини иш билан банд қилишнинг назарий-амалий жиҳатлари борасида изланишлар олиб борилган. Хусусан, мазкур олимлар томонидан ишчи кучи бозорининг шаклланиши ва ривожланишининг муҳим устувор масалалари, ишсизлик муаммосини ижтимоий муҳофаза қилиш, муайян ижтимоий-демографик гуруҳларнинг иш билан бандлиги ва қўшимча иш ўринларини яратишга доир кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Юқорида қайд этилган илмий тадқиқот ишлари меҳнат бозорини амалий жиҳатдан илмий ўрганиш ва таҳлил қилишда муҳим асос сифатида хизмат қилади. Лекин бугунги кунда меҳнат бозорини статистик баҳолаш ва прогнозларини тузишнинг методологик муаммоларига бағишланган комплекс статистик тадқиқотлар мавжуд эмас. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозорини статистик баҳолаш ва прогнозлаш усуллари муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича алоҳида тадқиқотларни амалга ошириш, ушбу илмий ишнинг мавзусини танлаш, унинг мақсад ва вазифаларини ёритишга замин яратади, унинг долзарблик даражасини янада оширади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-154-сонли «Миллий иқтисодиёт таркибий ўзгаришининг ялпи ички маҳсулот ҳажми ошишига таъсирини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат бозорини статистик баҳолашнинг услубий жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

⁸ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Дарслик. – Т.: Fan, 2019 йил. - 670 б.; Akbarova Z., Umarova M.A., Shakirova N.A. Mehnat statistikasi. O'quv qo'llanma. – Т.: Iqtisodiyot, 2020. - 190 б.; Абдурахмонова Г. Инсон ресурсларини бошқариш. Дарслик. – Т.: Фан, 2021. - 692 бет; Максакова Л.П. Проблемы обеспечения занятости трудовых ресурсов Республики Узбекистан в переходный период к рынку. Дис... док. экон. наук. – Т., 1995. – 309 с.; Маҳкамова Ш.Ю. Бозор ислохотлари чуқурлашаётган шароитда аҳоли бандлигини тартибга солиш. Иқтисод фанлари номзоди диссертация. – Т., 2008. – 155 б.; Мўминов Х.И. Бухоро вилоятида меҳнат бозорини шакллантириш ва унинг фаолиятини ривожлантириш. Иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. – Т., 2008. – 148 б.; Хомитов К.З. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ меҳнат бозорининг самарали ривожланиши муаммолари. Иқтисод фанлари доктори даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Т., 2012 йил.; Убайдуллаева Р., Ата – Мирзаев О., Умарова Н. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги. Илмий ўқув қўлланма. – Т.: Университет, 2006. – 96 б.; Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишини моделлаштириш (Самарқанд вилояти мисолида). Иқтисод фанлар доктори диссертациясининг автореферати. – Т., 1998. – 46 б.; Хужаев Н., Сатторов Н. Занятость, моделирование и рынок труда. – Т.: Меҳнат, 1993. – 192 с.; Шадиев Т.Ш. Экономические модели развития сельского хозяйства. – Т.: Фан, 1986. –168 с.; Гулямов С.С., Холмуминов Ш.Р. Совершенствование планирования трудовых ресурсов АПК региона. – Т.: Меҳнат, 1989. – 157 с.; Ғойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизими. Ўқув қўлланма. – Т., 2004-106 б.

меҳнат бозорининг давлат томонидан муайян иқтисодий механизмлар воситасида тартибга солиш заруратини асослаш ҳамда меҳнат бозорига назарий-методологик ёндашувларнинг қиёсий таҳлили асосида маълумотларни умумлаштириш ва муаллиф ёндашувларини шакллантириш;

меҳнат бозори бўйича статистик кўрсаткичлар тизимининг услубий ёндашувларини ишлаб чиқиш;

статистик маълумотлар манбаини кенгайтириш, аниқ ва асосли ахборотларга таяниш ҳамда унинг прагматик аҳамиятини кучайтириш борасида таклифлар ишлаб чиқиш;

меҳнат бозори статистик кўрсаткичларини ҳисоблашнинг амалдаги услубиётини таҳлил қилиш, унинг ютуқ ва камчиликларин аниқлаш;

ишчи кучини рационал тақсимлашни назарда тутувчи меҳнат бозори муаммолари хусусида изланиш, уларни тадқиқ этишни тартибга солиш, статистик кўрсаткичлар тизимини тараққий эттириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

меҳнат ресурслари миграциясининг мамлакат иқтисодиётига таъсирини ифодаловчи статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасида ишчи кучининг таркибий тузилмаси динамикасини статистик баҳолаш;

мустақиллик йилларида ишчи кучининг мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсишига таъсирини статистик баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш;

иш билан банд бўлганлар сонини 2025 йилга қадар аниқ статистик ҳисоб-китоблар ёрдамида прогнозларини ишлаб чиқиш;

хориж тажрибасидан келиб чиқиб, маҳаллий меҳнат бозори элементларининг устувор йўналишларини аниқлаш;

айрим ривожланган давлатларнинг меҳнат бозори фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар прогнозларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг меҳнат бозори, унинг минтақа ва тармоқлардаги ҳолати ҳамда миграция жараёнларининг статистик таҳлили ва баҳолаш олинган.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорини статистик баҳолашнинг услубий муаммоларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш ҳамда такомиллаштириш жараёнида юзага келувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлар йиғиндиси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида статистик кузатув, ўртача, нисбий ҳамда мутлақ миқдор кўрсаткичлари, статистик гуруҳлаш, таснифлаш, жадвал ва чизмалар, иқтисодий индекслар, статистик моделлаштириш, истиқболли кўрсаткичлар, корреляцион-регрессион таҳлил, прогнозлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аҳолининг иш билан бандлик ҳолати ва унга таъсир қилувчи омилларни илк бор маҳалла фуқаролар йиғини кесимида микродаражада ифодаловчи 12 та кўрсаткичдан иборат (жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш ва расмийлаштиришга кўмаклашиш натижадорлиги, эҳтиёжманд ва камбағал

оилаларни аниқлаш сингари) статистик кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарурати асосланган;

2023 йилда ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш варақасига миграция ҳолатларини қайд этиш бўйича ижтимоий жараёнларни ифодаловчи маълумотларни киритиш орқали мамлакатдаги миграция жараёнларининг самарадорлигини ҳисоблаш усулининг қамров доираси ва аниқлик даражаси оширилган;

ишчи кучи миграциясининг мамлакат иқтисодиётига таъсирини баҳолаш методологияси «иммиграциядан фойда олиш» ($IB = \frac{Q}{E} \cdot \overline{EF} \cdot IR$) ва «эмиграциядан зарар кўриш» ($EH = \frac{Q}{E} \cdot \overline{EF} \cdot ER$) кўрсаткичларини киритиш асосида такомиллаштирилган;

меҳнат бозорининг иқтисодий-статистик таҳлил методологияси таклиф этилган. Экстенсив ($\Delta N (T) = (T_1 - T_0) \cdot V_0 \cdot d_0$), интенсив ($\Delta N (V) = (V_1 - V_0) \cdot T_1 \cdot d_0$) ва моддий харажатлар тежами ($\Delta N (d) = (I - d_0) \cdot W_1 - M_1$) кўрсаткичлари асосида мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг қўшимча ошишига таъсир қилувчи омиллар таҳлили услубиёти такомиллаштирилган;

меҳнат бозоридаги иш билан бандликка бевосита таъсир қилувчи ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ошиш суръатлари (X_1), миллий иқтисодиётга киритилаётган инвестициялар ҳажмининг ошиш суръатлари (X_2), меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ошиш суръатлари (X_3) ҳамда 2020 йилда бошланган коронавирус пандемияси (X_4) сингари асосий омилларни ҳисобга олган ҳолда регрессион тенгламалар тузилиб, аҳоли иш билан бандлигининг 2025 йилга қадар статистик прогнозлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

меҳнат бозорида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш масаласида ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш ва фуқаролар йиғинлари фаолиятида мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

меҳнат мигрантлари тўғрисида аниқ ва сифатли маълумотлар олиш ҳамда уларни статистик таҳлил қилиш услубиёти ишлаб чиқилган;

ишчи кучи миграциясидан келадиган фойда (зарар) кўрсаткичи хорижий давлат меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳисобига яратилган ЯИМ (ЯМД)нинг қисми ҳамда хориж фуқароларини қабул қилувчи мамлакатнинг иқтисодий фаолиятида иштирок этиш даражасини баҳолаш услубиёти такомиллаштирилган;

ЯИМ ҳажмининг қўшимча ошишига экстенсив, интенсив ва моддий харажатларни тежаш сингари омиллар таъсирини ҳисоблаш методологиясининг амалиётга жорий этилиши статистик таҳлил имкониятларини янада кенгайтириши асосланган;

меҳнат бозоридаги асосий ўзгаришларни ҳисобга олиб, замонавий статистик моделлаштириш дастурларидан фойдаланилган ҳолда аҳоли иш билан бандлигининг 2025 йилгача бўлган даврга статистик прогнозлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан

олинганлиги, келтирилган таҳлиллар прогноз кўрсаткичлари самарадорлигининг иқтисодий-статистик усуллари воситасида илмий асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда келтирилган ғоя ва услубий ишланмалар меҳнат бозори сингари мураккаб кўп омилли жараёнларни тадқиқ этиш, белгиланган мақсадга эришиш учун тизим ва жараёнларни оптимал бошқариш, самарали қарорлар қабул қилиш, комплекс дастурлар ишлаб чиқиш асосида меҳнат бозорини мониторинг ва статистик таҳлил қилиш ҳамда прогнозлашни янада чуқурроқ ва сифатлироқ амалга ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тақдим этилган методологик ишланмалар мамлакат иқтисодиётида меҳнат бозоридаги ҳолатни асосли баҳолаш имконини беради. Амалга оширилган ҳисоб-китоблар ва олинган хулосавий натижалардан давлат бошқарув идоралари томонидан аҳолини иш билан банд қилиш, ишсизлик, нафақа таъминоти масалаларининг истиқболини белгилаш ва тегишли дастурлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, ишчи кучи адади, сифати ва таркибини таҳлил қилиш ҳамда прогнозлаш юзасидан таклиф этилган усулларни статистика идораларининг турли даражаларида қўллаш имконини беради. Диссертация ишининг услубий ишланмалари, таклиф ва тавсияларидан Олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишлари талабаларига «Статистика», «Меҳнат статистикаси» ва «Меҳнат иқтисодиёти» фанлари бўйича ўқув дастурлари ва қўлланмалар, ўқув-услубий мажмуаларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Меҳнат бозорини статистик баҳолашнинг услубий жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аҳолининг иш билан бандлик ҳолати ва унга таъсир қилувчи омилларни илк бор маҳалла фуқаролар йиғини кесимида микро даражада ифодаловчи 12 та кўрсаткичдан иборат (жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш ва расмийлаштиришга кўмаклашиш натижадорлиги, эҳтиёжманд ва камбағал оилаларни аниқлаш сингари) статистик кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш таклифи амалиётга жорий қилинган (Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг 2019 йил 12 мартдаги 02-01/124-сонли маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 485-сонли «Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори). Мазкур методологиянинг амалиётга жорий қилиниши натижасида республикада фаолият юритаётган барча маҳаллалар фуқаролар йиғинлари фаолиятини рейтинг баҳолаш учун илмий асос яратилган;

2023 йилда ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш варақасига миграция ҳолатларини қайд этиш бўйича ижтимоий жараёнларни ифодаловчи маълумотларни киритиш орқали мамлакатдаги миграция жараёнларининг самарадорлигини ҳисоблаш усули тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 20 майдаги 63-сонли буйруғи билан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 2 августдаги 01/1-12-17/1-256-сонли маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 710-сонли «Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида меҳнат мигрантлари тўғрисида аниқ ва сифатли маълумотлар олиш ҳамда уларни таҳлил қилиш имконияти яратилган;

ишчи кучи миграциясининг мамлакат иқтисодиётига таъсирини баҳолаш методологияси «иммиграциядан фойда олиш ва «эмиграциядан зарар кўриш» кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 19 июлдаги 89-сонли буйруғи билан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 2 августдаги 01/1-12-17/1-256-сонли маълумотномаси). Бу таклифлар хорижий мамлакатлар ишчи кучидан фойдаланиш ҳисобига яратилган хорижий фуқароларни қабул қиладиган давлатнинг иқтисодий жараёнида қатнашиш даражасини баҳолаш ҳамда турли мамлакатларнинг миграция қилувчи юқори малакага эга ишчи кучини таққослаш ва баҳолаш учун халқаро жиҳатдан «ақлларнинг оқиб кетиши» жараёнини тавсифлаш имконини берган;

меҳнат бозорини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш методологияси, экстенсив, интенсив ва моддий харажатлар тежами кўрсаткичлари асосида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг қўшимча ўсишига таъсир қилувчи омиллар таҳлили услубиёти бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 19 июлдаги 89-сонли буйруғи билан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 2 августдаги 01/1-12-17/1-256-сонли маълумотномаси). Мазкур омиллар ҳисобига ЯИМ ҳажмининг қўшимча ошишига таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш методологиясининг амалиётга жорий қилиниши статистик таҳлил имкониятларини янада кенгайтирган;

меҳнат бозоридаги иш билан бандликка бевосита таъсир қилувчи ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари, миллий иқтисодиётга киритилаётган инвестициялар ҳажмининг ошиш суръатлари, меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ошиш суръатлари ҳамда 2020 йилда бошланган коронавирус пандемияси сингари асосий омилларни ҳисобга олган ҳолда регрессион тенгламалар тузилиб, аҳоли иш билан бандлигининг 2025 йилга қадар статистик прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 17 ноябрдаги 13-01/37-сонли буйруғи билан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 26 ноябрдаги 6-1/20-67-сонли маълумотномаси).

Мазкур такомиллаштирилган эконометрик модель асосида ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичлари аҳоли иш билан бандлигининг таъминланиши, даромад манбаига эга бўлиши, турмуш фаровонлиги ошиши сингари бир қатор стратегик, шу жумладан макроиктисодий муаммоларни ҳал қилишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий ғояси ва натижалари маърузалар шаклида 8 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 таси монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг умумий ҳажми 203 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва ўрганиш зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Меҳнат бозорини статистик ўрганишнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида меҳнат бозорининг илмий-назарий хусусиятларини статистик баҳолаш, меҳнат бозорида бошланғич статистик ахборот базасини яратиш усуллари ва меҳнат бозорида статистик ахборотлар тизимини шакллантириш билан боғлиқ муаммолар ёритилган.

Меҳнат бозорини ўрганишга бағишланган илмий-ўқув адабиётларнинг таҳлилига кўра, унга берилган таърифлар турли-тумандир. Замонавий иқтисодий назарияларда меҳнат бозори мавжуд ресурсларнинг бир қисмини сотувчи ёки бозор иқтисодиётини ташкил этувчи ва унда амал қилувчи хомашё ва материаллар, қимматли қоғозлар, валюта, суғурта, инвестиция ва бошқа бозорлардан бири сифатида ўрганилган.

Статистик таҳлил ва прогнозлаш масалалари бўйича Т.В. Сарычева меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга олиб келувчи минтақалар ва мамлакат миқёсида иқтисодий фаолият турлари бўйича бандликни комплекс статистик таҳлил қилиш учун концептуал ёндашув ва методологияни ишлаб чиққан. Иқтисодий фаолият турлари бўйича меҳнат билан банд бўлганлар сонини прогноз қилиш ва иқтисодиётни моделлаштириш натижалари минтақавий меҳнат бозорини ривожлантиришда бошқарув

қарорларини ахборот билан таъминлаш сифатини оширишга имкон беришини қайд этган⁹.

Н.В.Стройкина минтақа даражасида меҳнат бозорини комплекс статистик таҳлил қилиш усуллари, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш ва прогнозлаш бўйича услубий ишланма ва тавсияларни ишлаб чиққан. У аҳолининг ишсизлик кўрсаткичларини статистик таҳлил ва прогноз қилишга катта эътибор берган¹⁰.

А.Л.Орлова минтақа меҳнат бозорини тартибга солиш ва ривожлантириш доирасида иш билан бандлик ва ишсизлик кўрсаткичларини статистик ўрганишга қаратилган илмий, услубий кўрсатмалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиққан ва ишсизлар сони динамикасини таҳлил қилиб, прогноз ишларини амалга оширган. Унинг фикрича, ишсизлик даражасини прогноз қилишнинг асосий вазифаси давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати муаммоларини ҳал қилишдан иборат¹¹.

Е.А.Долгих ўз тадқиқотида меҳнат билан банд бўлганлар ва ишсизларни статистик таҳлилинини амалга оширган ҳамда меҳнат бозорида аёллар ва ёшларнинг ҳолатини гуруҳларга ажратиб ўрганган. Худудлар бандлик даражасидаги ҳудудий тафовутларни баҳолаб, статистик прогнозлаш ишларини амалга оширган¹².

Диссертантнинг фикрича, бундай ёндашувлар бир-бирини тўлдиради ва уларнинг ҳар бири меҳнат бозорининг алоҳида таркибий қисмларини ифодалайди. Аммо меҳнат бозори махсус бозор бўлганлиги сабабли бошқа бозорлардан фарқланади ва унда регулятор вазифасини нафақат макро ва микроиқтисодий омиллар, балки ижтимоий-психологик омиллар ҳам бажаради.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, муаллифнинг фикрича, меҳнат бозори – бозор иқтисодиётининг муҳим таркибий элементларидан бири бўлиб, «ишчи кучи» деб аталувчи товарни нормал такрорий тарзда ишлаб чиқариш ва ундан мақсадли фойдаланишни таъминловчи ижтимоий муносабатлар тизимидир ҳамда у қуйидаги компонентлардан ташкил топади: меҳнатга талаб, меҳнат таклифи, ишчи кучи баҳоси, ишчи кучи қиймати, рақобат.

Умуман, меҳнат бозорида меҳнатга талаб ва таклиф, меҳнатнинг нархи, иш берувчи, ёлланувчи ишчи кучи, ишсизлик ва иш билан бандлик кўрсаткичлари доимо амалда бўлади. У ўз субъектлари, ривожланиш омиллари, сегментлари ва моделларига эга.

Муаллифнинг фикрича, Ўзбекистон меҳнат бозорининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда иш билан бандлик таркиби етарли даражада тартибга солинмаган ва унда яширин (латент) усул мавжуд.

⁹ Сарычева Т.В. Методология комплексного статистического анализа занятости в российской федерации по видам экономической деятельности. Автореф. Дисс... докт. экон. наук. – М., 2017. С.55.

¹⁰ Стройкина Н. В. Статистический анализ и прогнозирование развития рынка труда Оренбургской области. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М., 2011. С. 23.

¹¹ Орлова А.Л. Статистическое исследование показателей занятости и безработицы на региональном рынке труда. Дисс... канд. эконом. наук. – Орел, 2014. С 146.

¹² Долгих Е.А. Статистический анализ занятости и безработицы в Российской Федерации. Автореф. дисс... канд. эконом. наук. – М., 2010. С 25.

Илмий адабиётларда ва амалиётда аҳолини иш билан бандлиги бир неча категорияларга (ўзини-ўзи иш билан таъминлаш, ижтимоий фойдали иш билан бандлик, тўлиқ иш билан бандлик, қайта иш билан бандликка) бўлинади. Диссертантнинг фикрича, аҳолининг иш билан бандлиги бирдан-бир мақсад бўлмаслиги керак. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг иш билан бандлиги манфаат келтирадиган йўналишда бўлиши талаб этилади. Лекин бугунги кунгача на илмий адабиётларда, на амалиётда самарали иш билан бандлик масаласи кўндаланг қўйилмаган. Самарали меҳнат билан бандликда ишлаш лаёқатига эга индивиднинг шундай ишга жойлаштириш керакки, у ўз меҳнат маҳсулидан икки томонлама фойда кўрсин. Биринчи манфаат – иқтисодиётга доир, иккинчиси – ижтимоий масала.

Меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши, биринчи навбатда, мавжуд статистик ахборот тизимига узвий боғлиқ. Ахборот максимал даражада ҳаққоний ҳамда меҳнат бозорида тадқиқотлар ўтказиш учун етарлича тўлиқ бўлиши, унда содир бўлаётган жараёнларни жамланган ҳолда акс этириши, у нафақат меҳнат бозори ҳолатини таърифлаши, балки тадқиқ этилаётган жараёнларни прогнозлаш учун замин бўлиб, меҳнат бозори соҳасидаги аҳволни янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида содир бўладиган ўзгаришларни мустаҳкамлаши лозим. Лекин амалдаги меҳнат бозори тўғрисидаги ахборот тизими маълумотига кўра, ахборотни йиғиш, жамлаш ва умумлаштириш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш замон талабларига жавоб бермайди. Бу муаммони ҳал этиш йўллари диссертацияда ишлаб чиқилган. Улардан бири – меҳнат бозорида содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнлар ўзгаришларининг статистик мониторингини ўтказиш, хусусан, фуқаролар йиғинлари маълумотлари асосида манфаатдор истеъмолчиларни керакли статистик маълумотлар билан таъминлашдир.

Диссертацияда фуқаролар йиғинлари кесимида статистик маълумотларни тўплаш бўйича мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2018 йил 26 октябрда Тошкент шаҳри Юнусобод туманига ташрифи давомида берган кўрсатмалари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 21 декабрдаги 1838-сонли «Маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини рейтинг баҳолаш ва натижаларига кўра моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тузилган комиссия аъзоси сифатида диссертант томонидан статистик кўрсаткичлар тизими ва Фуқаролар йиғинлари фаолиятини рейтинг баҳолаш ва натижаларига кўра моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 августдаги 722-сонли қарори) ва «Статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаси» фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашида фойдаланиш учун қабул қилинган. Таклиф қилинган Низом ва статистик кўрсаткичлар бўйича ҳисоб-китоблар Тошкент шаҳар Юнусобод туманида апробация қилиниб, тумандаги 63 та фуқаро йиғинидан 5 таси «намунали», 12 таси «яхши», 44 таси «қониқарли» ва 2 таси «қониқарсиз» деб топилган.


Тадқиқотчи таклифининг амалиётга жорий қилиниши натижасида республикада фаолият юритаётган барча маҳаллалар фуқаролар йиғинлари фаолиятини рейтинг баҳоланиши ва иш билан таъминлашга эҳтиёжманд бўлган аҳоли сонини аниқлаш учун илмий асос яратилди ҳамда рейтинг тизимини жорий этиш натижасида қуйидаги натижаларга эришиш кутилмоқда: фуқаролар йиғинларидаги ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш ва барқарорлаштириш мақсадида «Ҳаракатлар режаси» ишлаб чиқилади; сектор раҳбарларининг ҳудуддаги реал вазиятдан хабардор бўлиш билан бир қаторда, фуқаролар йиғини фаолиятида мавжуд муаммоларни бартараф этишдаги манфаатдорлиги ошади; аниқланган муаммолар Халқ қабулхоналари кўмагида тизимли равишда бартараф этилишига эришилади; қониқарсиз баҳоланган фуқаролар йиғинлари фаолияти яхшиланади ҳамда намунали маҳаллаларнинг тажрибалари оммалаштирилади.

Меҳнат бозорини комплекс таҳлил қилиш, ахборот тизими оқимларини ўзаро мувофиқлаштириш ва уларни яхлит ахборот тизими сифатида шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда Ўзбекистон Республикасида ишсизлик тўғрисида статистик ахборотни шакллантиришнинг ташқи манбалари ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Муаллифнинг фикрича, бир марталик, мақсадли, мунтазам, даврий ҳисобот ва тадқиқотларнинг танланма кузатув усулларида кенг фойдаланиш ҳам айрим минтақалар бўйича, ҳам умуман мамлакат меҳнат бозоридаги вазиятни таҳлил қилиш ва ривожланишини прогнозлаш учун фойдаланилувчи тезкор маълумотларни олиш вазифасини ҳал этади. Танланма кузатув тадқиқотлари иқтисодийнинг асосий соҳалари бўйича аҳолининг иш билан бандлигини ҳаққоний прогнозлаш ҳамда бу вазиятни аҳолининг айрим ижтимоий гуруҳларига таъсирини прогнозлаш имконини беради.

Лекин юқорида ўрганиб чиқилган статистик усулларда тўпланган ахборотлар умумийлаштирилмаганлиги, унинг тарқоқлиги ва турлича жойлашганлиги сабабли, уларни таҳлил қилиш ва меҳнат бозорининг ҳолатидан келиб чиқиб, бирор-бир марказлашган якуний тўхтамга келиш жуда қийин масала. Ўтказилган тадқиқотлар ва статистика идораларининг амалий фаолиятдаги тажрибаси асосида, муаллифнинг фикрича, давлат миқёсида тўпланувчи маълумотлар ягона идорада (марказий) тўпланиши ва у идора томонидан иқтисодий-статистик жиҳатдан таҳлил қилиниши лозим. Бу борада муаллифнинг фикрича, меҳнат бозори бўйича барча керакли маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш бўйича Ягона марказий маълумотлар базасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Таклиф этилаётган маълумотлар базасининг ташкилий таркиби 1-расмда келтирилган.

Муаллифнинг фикрича, Ягона марказий маълумотлар базаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қошида ташкил этилиши керак. Маълумки, мазкур вазирлик ижтимоий меҳнат соҳасининг мониторингини амалга оширади ва зарур ташкилий таркибга эга бўлиб, ахборотларни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, бошқа вазирлик ва идоралар, шунингдек, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг минтақавий идораларидан олади.



1-расм. Меҳнат бозори юзасидан маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш бўйича Ягона марказий маълумотлар базасининг ташкилий таркиби¹³

Бундай Ягона марказий маълумотлар базаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида жойлашишидан қатъий назар, унда тўпланувчи ва қайта ишланувчи маълумотларнинг услубий жиҳатларини ҳал қилишни Давлат статистика қўмитаси билан ҳамкорликда олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Тезкор статистик ҳисоботларнинг сифати кўрсаткичларни олиш услубиёти ҳамда бундай услубиётнинг истеъмолчилар эҳтиёжлари ва халқаро стандартларга мувофиқлик даражаси билан белгиланади. Ҳисобот маълумотларини олиш маълум даврийликда мунтазам тусда ёки бир марталик бўлиши мумкин. Бир марталик ахборотларни олиш мақсадида муайян масалалар доирасида маълумотларни олишга қаратилган аниқ асослаб берилган услубиёт ишлаб чиқилади ва одатда танланма кузатув усуллари қўлланилади. Мунтазам ахборотларни олиш имкониятларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, ўз навбатида, ўтказиладиган таҳлилни кенгайтириб, олинган натижаларга аниқроқ баҳо бериш имконини яратади.

Статистик ахборотларнинг бир нечта катта ҳажмли оқимлари билан ишлаш, албатта, ҳар бир ахборот оқими бўйича кенг дастурий таъминотни талаб этади. Шу асосда маълумот банклари шакллантирилади, уларда меҳнат бозоридаги ҳолатни ҳаққоний (маълум даражада) таърифловчи маълумотлар тўпланади ва таҳлил қилинади. Олинган натижалар Ўзбекистон Республикаси

¹³ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг меъёрий нормалари билан мувофиқлаштириш, айниқса, республика меҳнат бозорини оптималлаштиришда ҳамда уни оқилона бошқаришда фойдаланилади.

Меҳнат бозорини ифодаловчи иқтисодий-статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш услубиёти» деб номланган иккинчи бобда меҳнат бозори статистик кўрсаткичларини ҳисоблашнинг амалдаги услубиёти, меҳнат бозорида ишчи кучига талаб, таклиф ва конъюнктураси кўрсаткичларини ҳисоблаш услубиёти, аҳоли ва ишчи кучининг миграцияси статистик кўрсаткичларини ҳисоблаш усуллари ёритилган, улар асосида меҳнат бозорини статистик таҳлил қилишда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Улар белгиланган мақсад ва вазифаларга кўра бир неча блок ва гуруҳларга бўлинади.

Диссертацияда кўрсаткичлар таҳлили блок ва гуруҳлар бўйича амалга оширилди. Ишчи кучининг шаклланиши нуқтаи назаридан меҳнат юкланишининг меҳнат ўрнини босиш, нафақа юкланиши ва умумий меҳнат юкланиши кўрсаткичлари тадқиқ қилинди. Кейинги етти йилда республикада меҳнат ўрнини босиш коэффиенти 22,6 пунктга пасайган, фақат Тошкент шаҳрида ўсиш аниқланди. Пенсия ва умумий меҳнат юкласи бир неча пунктга ошган. Диссертацияда ушбу ҳолатнинг сабаблари ёритиб берилган. Шунингдек, меҳнатга лаёқатли аҳоли ва иқтисодий фаол аҳоли категориялари тадқиқ этилиб, уларни таърифловчи коэффицентлар таҳлил қилинди.

Умуман, аҳолининг фаоллик коэффиенти ўсиш тенденциясига эга. Худди шундай ҳолат иш билан бандлик кўрсаткичи бўйича ҳам аниқланган. Ишсизлик даражасини доимий ва фаол аҳоли бўйича ҳисоблаш маъқул деб ҳисобланиб, улар бўйича тегишли тенденциялар аниқланди. Мамлакатимиз статистикасида аҳоли бандлиги муаммоларини ўрганиш бўйича ишчи кучини ўрганиш асосида ва ХМТ маълумотларига мувофиқ аҳолининг банд бўлмаган умумий сони ҳамда ишсизлик даражасини ўрганиш мезонлари билан бирга, бандликка кўмаклашиш марказлари маълумотларига кўра, рўйхатга олинган аҳолининг банд бўлмаган даражаси кўрсаткичи ҳам ҳисобланади. Ҳисобга олинган ишсизлик кўрсаткичи аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида рўйхатга олинган аҳоли банд бўлмаган сонининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатидан иборат. Рўйхатга турган ишсизлик даражаси унинг умумий сонидан бир неча баробар кам бўлиши мумкин, чунки аҳоли умумий сонидан амалдаги барча ишсизларнинг фақат кам қисми улушини кўрсатиши мумкин.

Аҳолининг иқтисодий даражасини кўрсатишда, бандлик ва ишсизликдан ташқари, бугунги кунда тўлиқсиз бандлик ҳамда уни статистикада кўрсатиш муаммоси, айниқса бу иқтисодий инқирозлар пандемия шароитида долзарб бўлмоқда. Тўлиқсиз иш билан бандликка – фаолиятга эга бўлган, лекин ўз ихтиёрига қарши тўлиқсиз иш вақти давомида меҳнат қилган, бажарадиган ишидан ташқари яна бошқа иш фаолиятига эга бўлишни истаган ва унга киришган шахслар киради. Бундан ташқари, яхшироқ шароитларда ишлаганда ёки касбий тайёргарлиги бўйича ўз касбини ўзгартирганда даромади ҳамда маоши миқдори ортувчи ишчилар киради. Бундан кўринадики, ишлаган вақти

ёки олган маоши ишчиларни тўлиқсиз иш билан бандликка қўшиш учун асос бўлади.

Тўлиқсиз меҳнат билан бандликни мазмунан ва ҳисоб-китоб усулида амалга ошириш мумкин. Иккинчи усулда бундай кўрсаткич меҳнат билан банд аҳолининг амалдаги сонини меҳнат унумдорлигининг ўртача кўрсаткичи ва ишлаб чиқаришнинг ўртача техник даражасида ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ходимларнинг сони билан таққослаш орқали ҳисобланади. Агар ишлаб чиқариш ёки маҳсулот ҳажмини « Q » орқали, меҳнат унумдорлигининг ўртача даражасини эса « W » орқали белгиланса, ходимлар сонини (T) қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$T = \frac{Q}{W} \quad (1)$$

Ходимларнинг айна вақтдаги ва зарур сони ўртасидаги фарқ яширин тўлиқсиз бандлик (агар мусбат бўлса) ёки аксинча, ишчиларни эксплуатация қилишнинг юқори даражасини (агар манфий бўлса) кўрсатади.

Иш билан тўлиқсиз бандлик таърифланганда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари бўйича бир ходимга иш вақтининг ўртача миқдори (d') аниқланади:

$$\bar{d}' = \frac{\sum_{i=0}^n (d'_i \cdot T_i)}{\sum_{i=0}^n T_i} \quad (2)$$

Бунда: d'_i – i -иқтисодиёт соҳасидаги иш вақтининг давомийлиги; T_i – i -иқтисодиёт соҳасидаги ходимлар сони; $\sum_{i=0}^n T_i$ – мамлакат иқтисодиётида банд бўлган умумий ходимлар сони; n – иқтисодиёт тармоқлари сони.

Меҳнат бозоридаги вазиятни ўрганишнинг бошланғич тамойили унинг хусусиятларини бир қатор умумлаштирувчи кўрсаткичлар, яъни ишчи кучининг таклифи, унга талаб ва уларнинг таъсирида меҳнат бозори конъюктурасининг кўрсаткичларини аниқлаш ҳисобланади.

Банд бўлган аҳоли таркибини ўрганишда бир қатор статистик гуруҳлашлар қўлланилади, улардан энг муҳимлари: ёши ва жинсига кўра; маълумот ва малака даражасига кўра (ҳар бир давлатда турли тамойиллар асосида амалга оширилади); ходим фойдаланувчи устама ва имтиёзларни белгилаб берувчи меҳнат стажига кўра; даромад даражасига кўра (турли давлатларда амал қилувчи даромад даражалари чегаралари асосида амалга оширилади); иқтисодиёт соҳаларига кўра (мазкур давлатда амал қилувчи тармоқ таснифи негизида амалга оширилади); фуқаролигига кўра (мазкур давлат фуқаролари ва хорижлик фуқаролар); шартнома бўйича ишлаётган хорижлик фуқаролар учун бандлик турларига кўра (корхона ва ташкилотларнинг меҳнат жамоалари таркибида; пудрат шартномаларини (контрактларни) амалга ошириш учун жалб этилган хорижлик юридик шахслар таркибида; жисмоний шахсларда); ижтимоий-касбий таркибига кўра.

Қўшимча таклиф ҳажми, яъни эҳтиёж билан қамраб олинмаган ҳажми иш излаётган шахсларнинг жами сони ва сифати, ишсизларнинг жами сони, рўйхатдан ўтган ишсизлар сони, ишсизлик нафақаси олувчилар сони ҳамда ушбу кўрсаткичларнинг вақт бўйича динамикаси орқали таърифланади.

Иш қидираётган шахслар тушунчаси анча кенгрок, чунки уларга меҳнат фаолияти билан банд бўлмасликдан ташқари, мазкур вақтда аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига бўлғуси ишдан бўшатилиш муносабати билан, ёллаш муддати тугаётганлиги ёки асосий ишдан ташқари пайтда ишлашни истагани сабабли бошқа жойда ишга жойлашиш мақсадида мурожаат этган кишилар ҳам киради. Ишчи кучига талаб ва таклиф, самарали ва қондирилмаган талаб кўрсаткичлари билан ифодаланади. Жами талаб мазкур мамлакатдаги иш ўринлари сони ва таркиби билан ифодаланади. Самарали талаб қондирилган талаб ва эҳтиёжга тенг бўлиб, иқтисодиётда банд бўлганлар сони ва таркиби ёрдамида аниқланади.

Жами ва самарали талаб ўртасидаги фарқ қондирилмаган талаб ҳисобланиб, асосий кўрсаткичлари бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар ёрдамида (иқтисодиёт соҳа ва тармоқлари, касблар ва талаб этиладиган малакасига кўра, таклиф этиладиган бандликнинг давомийлиги, таклиф этиладиган иш ҳақи даражасига кўра) аниқланади.

Меҳнат бозорида иш билан бандлик, ишсизлик, ойлик маош даражаси айрим мамлакатларнинг географик жойлашувига боғлиқ бўлиб, биринчи навбатда меҳнат бозоридаги талабнинг умумий ва хусусий коэффициентлари билан таърифланади. Меҳнат бозоридаги талабнинг жами коэффициенти мамлакат миқёсида ишчи кучининг таклифи (иш қидираётганлар ёки ишсизлар сони) уларга талаб (бўш иш ўринлари сонига) нисбатини таърифлайди ҳамда битта вакант иш ўрнига тўғри келган иш қидираётган шахслар ҳамда ишсизлар ҳажмини белгилайди. Минтақалар, иқтисодиёт тармоқлари, машғулотлар касбларлар бўйича юкланишнинг хусусий коэффициентлари ҳам шу тартибда ҳисобланади.

Диссертацияда ташқи меҳнат миграцияси кўрсаткичларини ҳисоблаш технологияси муфассал таҳлил қилинган. Ички ва ташқи миграцияни ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тизими мутлақ ва нисбий кўрсаткичлардан иборат бўлиб, уларнинг даража ва ҳажмларини ифодалайди.

Миграция кўрсаткичлари айрим ҳудуднинг аҳолиси ҳажмига боғлиқ бўлиб, миграциянинг интенсивлигини ҳисобга олмаслиги, аниқлаш учун асос бўлганлиги сабабли миграция вақтларини ўрганиш, таҳлил қилиш учун нисбий кўрсаткичлар қўлланилади.

Миграция интенсивлигининг нисбий кўрсаткичлари аҳолининг маълум вақт учун яшаш ҳудудини ўзгартириш ҳолатлари ҳажмини кўрсатади. Миграциянинг нисбий кўрсаткичларига миграциянинг умумий ва хусусий коэффициентлари ҳамда нисбий иммиграция интенсивлиги индекслари киради. Баъзи йилларда миграция жараёнларида содир бўлиш эҳтимоли бўлган ўзгаришларни тартибга солиш мақсадида айрим йиллар учун (масалан, 5 йил учун) миграциянинг ўртача коэффициентлари ҳам ҳисобга олинади. Бунда танланган вақт учун миграция кўрсаткичлари ва аҳолининг ўртача йиллик сонидан олинади.

Баъзида статистика амалиётида акс кўрсаткичлар ҳам ҳисобланади. Кўчиб келганлар ва кўчиб кетганлар сони ўртасида вариация жуда юқори бўлса, нисбий миграция сальдоси кўрсаткичини коэффицент тарзида ҳисоблаш мумкин. Нисбий кўрсаткичлар аҳолининг турли гуруҳлари (жинси, ёши, этник келиб чиқиши ва ҳоказо гуруҳлар) бўйича ҳисобланса, улар миграциянинг хусусий коэффицентлари ҳисобланади.

Диссертацияда ташқи меҳнат миграцияси статистик таҳлилининг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида бир гуруҳ мутлақ ва нисбий статистик кўрсаткичлар таклиф этилди. Улардан бири реэмиграция коэффиценти – қайтиб келган эмигрантлар сонининг хорижда ишга кирган эмигрантлар сонига нисбати аниқланади. Меҳнат миграцияси тадқиқотида ишчи кучи миграциясини ўрганиш муҳимдир. У ҳам мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар ёрдамида ўрганилади. Улардан бири ишчи кучи экспорти қийматидир. Ишчи кучи экспорти қиймати деганда, хорижда ишловчи фуқаролар иш ҳақининг ватанига валюта шаклидаги шу давлатларнинг тўлов балансига тушумлари тушунилади.

Бу ишчи кучи эмиграцияси давлатга валюта маблағлари кириб келиши сифатида ўрганилиши, бошқа томондан эса, мигрантлар пул жўнатмаларини юборувчи давлатнинг тўлов балансидаги харажатлар сифатида ўрганилиши ҳам мумкин. Ҳар бир давлатда валюта чегирмаларининг қайси манбаи устуворлигини аниқлаш учун уни товар экспортининг валютадаги унумдорлиги билан таққослаш мақсадга мувофиқ. Импортчи давлатлардан валюта жўнатмалари ишчи кучининг тушумлар кўрсаткичига мувофиқ ишчи кучи экспорти валютадаги унумдорлик ҳисобланади.

Ишчи кучини қабул қилувчи давлатлар учун иммиграцияни уларнинг иқтисодий ривожланиши учун кўрсатган таъсирини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Шу мақсадда ишчи кучи иммиграциясидан фойда олиш кўрсаткичини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш зарур:

$$IB = \frac{Q}{\bar{E}} \cdot \overline{EF} \cdot IR \quad (3)$$

Бунда: IB – иммиграциядан фойда, Q – ушбу давр мобайнида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот (ялпи миллий даромад) қиймати, \bar{E} – ушбу даврда иш билан бандлар сони, \overline{EF} – хориждан келган ишчи кучининг ўртача сони, IR – хориждан келган ишчи кучи билан мамлакатда иш билан банд бўлган ишчи кучи малакалари нисбати (агар $IR > 1$ бўлса, иммиграцияга келган ишчи кучининг малакаси мамлакатда иш билан банд бўлганлар малакасидан юқори, $IR < 1$ бўлса – паст ва $IR = 1$ бўлса, малакалар тенг ҳисобланади).

Бундай кўрсаткич нафақат хорижлик ишчи кучидан фойдаланиш ҳисобига яратилган ЯИМ (ЯМД)нинг қисмини кўрсатади, балки хориж фуқароларини қабул қилувчи давлатнинг иқтисодий фаолиятида иштирок этиш даражасини ҳам баҳолашга ёрдам беради.

Ишчи кучини экспорт қилувчи мамлакатлар учун ишчи кучи экспортдан зарар кўриш кўрсаткичини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш таклиф этилди:

$$EH = \frac{Q}{E} \cdot \overline{ELF} \cdot ER, \quad (4)$$

бунда: EH – эмиграциядан зарар, \overline{ELF} – эмиграцияга кетган ишчи кучи, ER – эмиграцияга кетган ишчи кучи билан мамлакатда иш билан банд бўлган ишчи кучи малакаларининг нисбати (агар $ER > 1$ бўлса, эмиграцияга кетган ишчи кучининг малакаси мамлакатда иш билан банд бўлганлар малакасидан юқори, $ER < 1$ бўлса – паст ва $ER = 1$ бўлса, малакалари тенг ҳисобланади).

Халқаро меҳнат бозорида юзага келган паст малакали ишчи кучига эҳтиёж камайиши ва юқори малакали ишчилар меҳнатига эҳтиёж ортиши давлатнинг (интеллектуал) олий маълумотли ишчи кучи салоҳиятини оқиб кетиши туфайли йўқотишларини аниқлаш зарурати юзага келади. Уни давлатнинг олий маълумот (интеллектуал) салоҳиятини йўқотиш коэффициенти орқали, яъни қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$CLIP = \frac{ENE}{SGHE} \cdot PEHE, \quad (5)$$

бунда: $CLIP$ – интеллектуал салоҳиятни йўқотиш коэффициенти, ENE – бу даврдаги олий маълумотли эмигрантлар сони, $SGHE$ – бу даврдаги олий таълим муассасаларини битирган мутахассислар сони, $PEHE$ – 24 ва ундан катта ёшдаги аҳоли сонидан олий маълумотли шахслар улуши.

Бу кўрсаткични таҳлил қилиш нафақат турли давлатларни миграция қилувчи юқори малакали ишчи кучини таққослаб баҳолаш, балки халқаро жиҳатдан «ақлларнинг оқиб кетиши»ни билиш учун зарурдир. Уни мамлакат статистика амалиётига жорий этиш мумкин, лекин бу чиқиб кетишнинг манзил варақасига маълумот даражаси тўғрисидаги маълумотлар киритилиши зарур. Бундай кўрсаткичлар тизими бўйича маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш, шунингдек, уни такомиллаштириш масаласини ҳал этиш, биринчи навбатда, халқаро меҳнат бозори фаолияти устидан статистик кузатув олиб бориш, унинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг мавжуд манбалардан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиш имкониятларини янада яхшилашни талаб этади.

Юқорилардан келиб чиқиб, мамлакатимиз аҳолисини келажакда рўйхатдан ўтказишда ташқи меҳнат миграциясини тавсифлаш учун сўров варақасига Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий асосда ишлаганлиги ва борган давлати тўғрисида саволлар киритиш таклиф этилган. Бундай миграция ҳолатларини қайд этиш саволларини қўшиш лозимлиги асослаб берилиши натижасида миграция жараёнлари самарадорлигини ҳисоблаш учун ахборот базасини шакллантириш имконияти таъминланган.

Таклиф этилган саволларга жавобларни ўрганиш асосида олинган маълумотлар мигрантларнинг ижтимоий-демографик тавсифлари билан бирга меҳнат миграциясининг миқдор ва сифат жиҳатидан баҳоланишини ифодалайди ҳамда унинг турини ҳам белгилайди.

«Ўзбекистон Республикасида ишчи кучидан самарали фойдаланишнинг истиқболли йўналишлари» деб номланган учинчи бобда Ўзбекистонда ишчи кучининг таркибий тузилмаси статистик баҳоланган, ишчи кучидан самарали фойдаланиш масалалари кўп омилли статистик таҳлил

қилинган ҳамда иш билан бандлик кўрсаткичлари эконометрик моделлаштирилган ва прогнозлаштирилган.

Ўзбекистон Республикасида иш билан бандлик масалалари макроиктисодий сиёсат ва стратегик режалаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Иш билан бандликни таъминлаш, аҳолининг даромад манбаига эга бўлиши, турмуш фаровонлиги ортиши, ялпи ички маҳсулот ҳажми кўпайиши, давлат бюджетига солиқ тушумлари ортиши сингари бир қатор стратегик, шу жумладан макроиктисодий муаммоларни ҳал қилиш имконини беради. 1-жадвал маълумотларига кўра, 2020 йилда 1991 йилга нисбатан ЯИМ 429,7 трлн. сўмга, иш билан банд аҳоли сони 5,0 млн кишига, меҳнат унумдорлиги эса 38,6 млн сўм/кишига ошган.


1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси макроиктисодий кўрсаткичларининг омилий статистик таҳлили¹⁴

(2020 йил нархларида)

Кўрсаткичлар	Шартли белгилар	Ўлчов бирлиги	Йиллар		Ўзгариши	
			1991	2020	мутлақ	нисбий, %
Ялпи ишлаб чиқариш	<i>W</i>	млрд.сўм	376 744,2	1 114 840,2	738 096,1	195,9
Оралиқ истеъмол	<i>M</i>	млрд.сўм	203 897,7	512 288,8	308 391,2	151,2
Ялпи ички маҳсулот	<i>N</i>	млрд.сўм	172 846,5	602 551,4	429 704,9	248,6
Иқтисодиётда иш билан банд аҳоли сони	<i>T</i>	млн киши	8,2546	13,2396	5,0	60,4
Меҳнат унумдорлиги	<i>V</i>	минг сўм/киши	45 640,5	84 205,3	38 564,8	84,5
ЯИМнинг ялпи ишлаб чиқаришдаги салмоғи	<i>D</i>	коэффициент	0,459	0,540	x	x

2020 йилда 1991 йилга нисбатан ЯИМ ҳажмининг кўшимча ошиши 429,7 трлн.сўмни 100,0 % деб қабул қилинса, унга омиллар таъсири қуйидагича бўлган: экстенсив омил таъсири – 24,3 %, интенсив омил таъсири – 54,5 %, моддий харажатлар тежами таъсири – 21,2 % (2-расм).



2-расм. 2020 йилда 1991 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотнинг омиллар ҳисобидан ўзгариши, %да

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

Меҳнат бозори кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини баҳолаш жараёнида, бошқа усулларнинг ижобий томонларини тан олган ҳолда, корреляцион ва дисперсион таҳлил усуллари кенг қўлланилган.

Натижавий омил сифатида Ўзбекистон Республикасида иш билан банд аҳоли сонининг ошиш суръатлари (Y) олинди. Унга таъсир этувчи омиллар сифатида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ошиш суръатлари (X_1), миллий иқтисодиётга киритилаётган инвестициялар ҳажмининг ошиш суръатлари (X_2), меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ошиш суръатлари (X_3) ҳамда 2020 йилда республика иқтисодиётига коронавирус пандемиясининг таъсири махсус ўзгарувчи сифатида олинган (X_4).

Юқорида қайд этилган омиллар мамлакатимизда аҳолининг иш билан бандлигини оширишга олиб келиши тадқиқотда илгари сурилаётган гипотеза ҳисобланади.

Дастлаб, кўп омилли эконометрик моделга киритилаётган омилларнинг статистик аҳамиятлилиги, нормал тақсимот қонунига бўйсунганини текшириш лозим. Бунинг учун илмий ишда «STATA 16» дастуридан фойдаланиб, тавсифий статистика ўтказилди. Натижавий белги ва омиллар бўйича тавсифий статистика натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Микдорий ўзгарувчиларнинг тавсифий статистикаси

Ўзгарувчилар	Ўртача	Стандарт оғиш	Минимум	Максимум
Y	101.95	1.47	97.52	103.35
X_1	106.31	1.99	101.60	109.50
X_2	101.98	12.06	91.80	138.10
X_3	102.13	1.16	100.23	105.02

Омиллар бўйича тавсифий статистика таҳлили ўтказилгач, улар ўртасида ўзаро боғланишлар мавжудлиги текширилди. Ушбу мақсадда корреляция коэффицентидан фойдаланилди. 3-жадвалда эконометрик моделга киритилувчи ўзгарувчилар ўртасидаги боғланишларни ифодаловчи Пирсон корреляция коэффицентлари келтирилган. Бунда аҳоли бандлигининг ошиш суръатлари ҳамда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ошиш суръатлари ва меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ошиш суръатлари ўртасидаги ўзаро боғланишлар нисбатан кучли эканини кузатиш мумкин (мос равишда 0,635 ва 0,483). Аммо аҳоли бандлигининг ошиш суръатлари ва инвестиция ҳажмининг ошиш суръатлари ўртасидаги боғланиш сезиларли даражада кучсиз эканлиги аниқланди (0,077).

Омиллар ўртасида корреляция коэффицентлари матрицаси

	Y	X1	X2	X3
Y	1.0000			
X1	0.6355	1.0000		
X2	0.0774	0.4085	1.0000	
X3	0.4831	0.2412	-0.2571	1.0000

4-жадвалда иш билан бандлар сонининг ошиш суръатларига ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ошиш суръатлари, меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ошиш суръатлари ҳамда коронавирус пандемиясининг иқтисодийта таъсирини ифодаловчи маҳсул ўзгарувчи таъсирини акс эттирувчи моделнинг «STATA 16» дастуридаги натижалари келтирилган.

Жадвалдаги эконометрик моделни интерпретация қилиш учун энг кичик квадратлар усулида топилган регрессия тенгламасининг муҳим шартларига текшириш зарур. Диссертант фойдаланган модель вақтли қатор маълумотлари бўлганлиги учун регрессия қолдиқларининг нормал тақсимланганлиги ва автокорреляция мавжудлиги текширилган.

Кўп омилли эконометрик модель параметрларини аниқлаш

Source	SS	df	MS	Number of obs	=	20
Model	39.478565	3	13.1595217	F(3, 16)	=	119.14
Residual	1.76724018	16	.110452511	Prob > F	=	0.0000
				R-squared	=	0.9572
				Adj R-squared	=	0.9491
Total	41.2458052	19	2.17083185	Root MSE	=	.33234

Y	Coef.	Std. Err.	t	P> t	[95% Conf. Interval]
X1	.1399575	.0456464	3.07	0.007	.0431914 .2367236
X3	.1857716	.0705641	2.63	0.018	.0361824 .3353609
X4	-3.855668	.3015713	-12.79	0.000	-4.49497 -3.216365
_cons	68.471	8.427305	8.12	0.000	50.60591 86.33609

4-жадвал натижаларига кўра, регрессия тенгламаси қолдиқлари нормал тақсимланган. Чунки бу ерда ноль гипотеза қолдиқларининг нормал тақсимланганлигини билдиради, тестнинг р-қиймати 0,05дан катта бўлмаганлиги учун ушбу ноль гипотезани рад эта олмайди.

Ўзгартирилган детерминация коэффиценти 94,9 фоизни ташкил этганлиги моделда қатнашган мустақил ўзгарувчилар натижавий белги ўзгаришининг 94,9 фоизини изохлаб беришини англатади. Кўп омилли эконометрик модель қуйидаги кўринишга эга:

$$Y = 68.471 + 1.40 \cdot X_1 + 1.85 \cdot X_3 - 3.86 \cdot X_4 \quad (6)$$

Тузилган ушбу кўп омилли эконометрик моделга кўра, Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг ошиш суръати бир фоизга ошса, иш билан банд аҳоли сонининг ошиш суръати ўртача 1,40 фоиз пунктига ортар экан. Меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ошиш суръати бир фоизга ошса, иш билан банд аҳоли сонининг ошиш суръати ўртача 1,85 фоиз пунктига ошар экан. Коронавирус пандемияси натижасида эса Ўзбекистон Республикасида

банд аҳоли сонининг ошиш суръатлари ўртача 3,85 фоиз пунктига камайганлиги аниқланган.

AR (1) дастури асосида ҳисобланган, 2021–2025 йилларга иш билан банд аҳоли сони ва ўсиш суръатларининг прогноз қийматлари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иш билан банд аҳоли сони ва ўсиш суръатларининг прогноз қийматлари

Йиллар	Банд аҳоли сонининг ошиш суръатлари, %	Банд аҳоли сони, минг киши
2021	101,4	13424,95
2022	101,5	13626,33
2023	101,7	13857,98
2024	101,7	14093,56
2025	101,8	14347,25

Диссертациянинг «Халқаро меҳнат бозори фаолиятининг статистик таҳлили ва уни прогнозлаш» номли тўртинчи бобда халқаро меҳнат бозорининг ривожланиш тенденциялари ва омиллари таҳлили, халқаро меҳнат бозори фаолиятининг энг муҳим кўрсаткичларини прогнозлаш, давлатларнинг халқаро меҳнат бозоридаги ўрнини статистик баҳолаш услубиёти ёритилган. Халқаро меҳнат бозорининг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ва бундай тенденцияларни юзага келтирувчи омилларни белгилаш фақатгина статистик кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда унинг фаолиятини баҳоловчи индикаторлар динамикаси ва таркибини ўрганиш, ишчи кучи таклифининг тренд моделларини тузиш, меҳнат бозори кўрсаткичларини бир қатор омилларга боғлиқлиги ва ўзаро боғлиқлигини баҳолашни тақозо этади.

Тадқиқотда халқаро меҳнат бозори фаолиятини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар дунё мамлакатлари бўйича статистик кўрсаткичлар йиғиндиси сифатида ўрганилмади. Чунки турли мамлакатларда биринчидан, таҳлил учун зарур ахборотлар мавжуд эмаслиги, иккинчидан, бундай ахборотлар мавжуд бўлган тақдирда ҳам, уларни тўплаш ва қайта ишлаш методологияларида жиддий фарқлар мавжуд. Бундай баҳоловларни айрим мамлакатлар гуруҳлари (масалан, Европа Иттифоқи ёки Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти ҳамда қитъалар) даражасида амалга ошириш яхши самара беради.

Австрия, Германия, Буюк Британия, Австралия ва Японияда аҳоли сонининг ўзгариши асосан механик ўзгариш ҳисобидан амалга ошмоқда. Бунинг сабаби, асосан социалистик тизимнинг емирилиши ва турли қитъаларда аҳоли турмуш сифатининг турличалиги ва турли ривожланиш даражасидаги мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ фарқининг катталиги ва ҳоказо;

1980–2018 йиллар маълумотлари индикатив таҳлил қилинганда АҚШ, Япония, Франция, Германия, Буюк Британия ва бошқа ривожланган давлатларда меҳнат юкласи кўрсаткичларининг пасайиш тенденциясига эга

эканлигини кузатиш мумкин. Иш билан банд аҳоли таркибида товар ишлаб чиқарувчи тармоқ ва соҳалар ҳиссаси камайиб бормоқда, хизматлар соҳаси ҳиссаси эса ўсиш тенденциясига эга, иш билан банд бўлган аҳоли орасида ёлланма ходимлар ҳиссаси жуда юқори ва ушбу кўрсаткич ҳам ўсиш тенденциясига эга.

Ишчи кучининг иммиграция давлатларида ишсизликнинг юқори даражаси халқаро меҳнат бозоридаги ҳолат аҳоли учун қулай эмас, деган хулосага олиб келади, бу эса маҳаллий ва хорижий ишчилар ўртасида рақобатни кескинлаштиради. Япония – юқори даражада ривожланган мамлакатлар орасида ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлмаган ягона мамлакат бўлиб, 1976–2018 йилларда ишсизлик даражаси 2,0 фоиздан 3,4 фоизгача бўлган. Ишсизлик даражасининг нисбатан юқори эмаслиги кўп жиҳатдан иммиграция сиёсатининг қатъийлиги, ЯИМ ҳажмининг барқарор ошиши, янги иш ўринлари яратилиши ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг табиий ошиши пастлиги билан изоҳланади.

Ривожланган мамлакатлар меҳнат бозорида аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари (25 ёшгача бўлган ёшлар ва аёллар) ижтимоий ҳолатини тавсифлашда қайд этиш жоизки, агар иқтисодий кўтарилиш шароитида аёлларни ишга олиш имкониятлари сезиларли даражада ошса, ёшларни ишга жойлаштириш борасида жиддий муаммолар вужудга келади.

Диссертацияда ишсизлик тенденцияларини аниқлаш билан бир қаторда, ишсизлик ҳисобидан йўқотишлар кўрсаткичлари ҳисобланди. Ишсизлик натижасидаги йўқотишлар кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш натижаларига кўра, ЯИМ ҳажмида ишсизликдан йўқотиш кўрсаткичи бўйича мамлакатларни жойлаштиришда қуйидаги вазият кузатилади: Франция – 13,4 фоиз, Буюк Британия – 9,5 фоиз, Германия – 9,0 фоиз, АҚШ – 5,9 фоиз ва Япония – 3,2 фоиз.

Диссертацияда меҳнат бозори кўрсаткичлари тенденцияларининг мамлакат натижавий кўрсаткичларига таъсири ҳам баҳоланди. Масалан, 2000–2019 йилларда АҚШда ЯИМ ҳажми ошишининг 22,8 фоизи, Японияда эса 9,2 фоиз иш билан бандлар сонини ўзгариши ҳисобидан ошган, меҳнат унумдорлиги ошиши ҳисобига тегишли равишда 78,2 ва 90,8 фоизни ташкил этган.

Тадқиқотда меҳнат бозорининг энг муҳим кўрсаткичи бўлган иқтисодиётда банд бўлганлар сони (Y) омиллар (X_1 – ялпи ички маҳсулот; X_2 – капитал қўйилмалар; X_3 – товарлар ва хизматлар экспорти; X_4 – иқтисодий глобализация индекси; X_5 – ўртача ойлик иш ҳақи; X_6 – миграция сальдоси) ҳисобидан ўзгариши иммиграция бўйича етакчи ўринни эгаллаб турган АҚШ мисолида таҳлил қилинган.

Корреляцион матрица натижаларига кўра X_1 омили билан X_2, X_3 ва X_5 омиллар орасида кучли корреляцион боғлиқлик, яъни мультиколлениарлик аниқланди (мос равишда: 0,856, 0,822 ва 0,916).

Иккинчи босқичда моделдан X_2 ва X_5 омиллар чиқарилади. Сўнгра эркинлик даражасига мос келувчи қийматда ва белгиланган муҳимлик даражасида Стъюдент t-коэффициентлар жадвалининг t-мезони қийматлари билан таққосланади. Уларнинг коэффициентлари t-мезонга жавоб бермайдиган (ундан кичик) омиллар муҳим эмас, деб тан олинади ва бирин-кетин моделдан чиқарилади. Бироқ мазкур моделда стационарлик таъминланмаган ва автокорреляция мавжуд, чунки моделда эмпирик маълумотлардан фойдаланилган.

Стационарлик ва автокорреляция масаласини ҳал қилиш мақсадида моделда эмпирик маълумотлар эмас, балки омилларнинг мутлақ қўшимча ўсиш кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди ва учинчи босқичга ўтилди. Учинчи босқичда ҳам ΔX_2 ва ΔX_3 омиллар орасида ўзаро кучли корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Тўртинчи ва бешинчи босқичларда ΔX_2 ва ΔX_3 омиллар моделдан чиқарилган ва моделга шартли кўрсаткич $DYMMY$ киритилган ва натижада куйидаги модель ҳосил бўлди:

$$\Delta Y = 1340,30 + 308,07 \cdot \Delta X_4 + 6,08 \cdot \Delta X_6 - 5720,92 \cdot DYMMY(7)$$

Бундай модель t-статистика Стъюдент ва F-Фишер коэффициентлари талабларига жавоб беради.

Демак, якуний тенгламага кирган барча омиллар муҳим бўлиб, улардан келгуси таҳлил ва илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкин.

Олинган модель статистик жиҳатдан тадқиқ этилаётган ҳодисага мос келади. Кўплик детерминация коэффициенти $R^2=0,8158$ кўрсатадики, натижавий кўрсаткич вариациясининг 81,6 фоизи моделга киритилган омиллар таъсири билан изоҳланади.

Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, АҚШда иш билан бандлар сонига энг жиддий таъсирни моделга киритилган омиллар орасида миграция сальдоси ва иқтисодий глобаллашув индекси кўрсатган.

Иқтисодий глобаллашув индексининг бир бирликка ошиши иш билан бандлар сонини мос равишда 308,1 минг кишига, миграция сальдосининг минг кишига ошиши эса 6,1 минг кишига кўпайишига олиб келади.

Диссертантнинг фикрича, меҳнат бозори кўрсаткичларининг амалдаги ўзгаришларини ўрганиш билан бир қаторда, уларнинг келгусидаги ҳолатини билиш меҳнат бозорининг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш учун ўта муҳим ҳисобланади. Шу муносабат билан муаллиф томонидан иқтисодий фаол аҳоли, иш билан бандлар ва ишсизлар сонининг келгусидаги ҳолатлари АҚШ, Япония, Франция, Германия ва Буюк Британия давлатлари бўйича аниқланди.

Диссертацияда бу учта кўрсаткич нима учун танланганлиги асосланган ва уларнинг ҳар бири учун таҳлилий функцияларни танлаш автоматик равишда «Eviews», «MS Excel» амалий дастурлар пакети ёрдамида амалга оширилган ва тренд моделлар асосли танланган. Экстрополяция натижасида узоқ муддати даврлар учун прогноз қийматлари икки усулда амалга оширилган.

АҚШда прогноз даврида иқтисодий фаол ва иш билан банд аҳоли сонининг барқарор ошиши ва ишсизлар сони камайиши аниқланди. Япония, Франция ва Германияда иш билан банд аҳоли сонининг прогноз кўрсаткичлари ошиши кутилмоқда. Буюк Британияда прогноз кўрсаткичлари иқтисодий фаол аҳоли сони янада ошишини кўрсатади. Бунда аниқланган иш билан бандлар сонининг йилдан-йилга ўзгариш кўрсаткичлари шундан далолат берадики, келгусида уларнинг сони ҳам жиддий ўзгаришларга дуч келиши мумкин.

Ўзбекистон меҳнат бозори Россия меҳнат бозори билан чамбарчас боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда тадқиқотда муаллиф томонидан Россия Федерациясининг халқаро меҳнат бозоридаги иштироки статистик тадқиқ этилди ва баҳоланди. 6-жадвал маълумотларига кўра, Россия билан МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари ўртасида миграция, иммиграция ва эмиграция оқимларида катта қисми ташкил қилади. МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари билан миграция сальдосининг мусбат кўрсаткичи Россияни бу мамлакатлардан мигрантлар жалб этиш маркази сифатида тавсифлайди. Узоқ хориж мамлакатлари билан ташқи миграциянинг салбий сальдоси 1990 йилда – 103 487 кишини, 1995 йилда – 109 768 киши ҳамда 1997 йилда – 84 392 кишини ташкил қилган бўлса, 2000 йилдан бошлаб, ижобий сальдо кузатилмоқда.

6-жадвал

Россияда аҳоли миграция кўрсаткичлари¹⁵

(киши)

Кўрсаткичлар	1990 й.	1995 й.	1997 й.	2010 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Кириб келганлар – жами	913 223	842 050	583 260	191 656	598 617	575 158	589 033	565 685	501 049
шу жумладан:									
МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатларидан	2 117	545	431	173 821	539 763	515 166	527 654	513 152	429 184
узоқ хориж мамлакатларидан	913 016	841 505	582 829	17 835	58 854	59 992	61 379	52 533	71 865
Чиқиб кетганлар - жами	729 467	339 600	234 284	33 578	353 233	313 210	377 155	440 831	342 749
шу жумладан:									
МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатларига	625 773	229 287	149 461	21 704	301 378	259 074	323 603	383 808	301 380
узоқ хориж мамлакатларига	103 694	110 313	84 823	11 874	51 855	54 136	53 552	57 023	41 369
Миграция сальдоси - жами	183 756	507 450	348 976	158 078	245 384	261 948	211 878	124 854	158 300
шу жумладан:									
МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари	287 243	612 218	433 368	152 117	238 385	256 092	204 051	129 344	127 804
узоқ хориж мамлакатлари	-103 487	-109 768	-84 392	5 961	6 999	5 856	7 827	-4 490	30 496

¹⁵ <http://www.gks.ru> маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб- китоблари.

Иммигрантларнинг эмигрантлардан максимал даражада, яъни 810 минг кишига (ёки 3,4 баравар) кўплиги 1994 йилда қайд этилган бўлиб, бу асосан МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатларидан Россияга кириб келган 1147 минг кишидан иборат оқим билан изоҳланади. Шу йили МДХ мамлакатлари билан қиёсланганда Россия Федерациясининг иқтисодий ҳолати устунлиги аниқ намоён бўлади: шу даврда Россия Федерациясида иш ҳақи миқдори юқорироқ, хусусий сектор тезроқ ривожланди. Лекин 1995–1997 йилларда Россия Федерациясига кириш яна пасайди. 1997 йили 583 минг кишини ташкил қилди, бу эса кўп жиҳатдан Чеченистондаги урушнинг таъсири билан изоҳланади. 2016–2018 йилларда ташқи миграция сальдоси 2015 йилга нисбатан бирмунча пасайди. 2019 йилда ташқи миграция сальдоси 2018 йилга нисбатан ошди.

Россиялик эмигрантларнинг уларни доимий яшаш учун қабул қилган мамлакатлар бўйича тузилмаси АҚШ, Германия ва бошқа мамлакатлар фойдасига ўзгарди.

Диссертацияда Россиянинг доимий аҳолиси ва мигрантлар таркиби (ёш бўйича), сафар мақсадларида Россия фуқароларининг хорижга чиқиши ҳамда бошқа давлатлар фуқароларининг Россияга кириш таркиби ва динамикаси ҳамда Россияга доимий яшаш учун кўчиб келганлар таркиби ва динамикаси индикатив таҳлил қилинди. 2007–2016 йилларда Россияга кўчиб келган ва кетганларнинг деярли 70 фоизи хусусий мақсадга эга, доимий яшаш учун кўчиб келганларнинг (2016 йил) деярли 60 фоизи Қозоғистондан, 14,7 фоизи Ўзбекистондан, 6,0 фоизи Тожикистондан бўлган. 2015 йилда Россияга кўчиб келганларнинг 17,1 фоизи Ўзбекистондан бўлса, 2019 йилда бундай улуш 6,9 фоизга пасайган.

ХУЛОСА

Диссертация тадқиқоти натижасида қуйидаги илмий хулоса, таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Меҳнат бозорига илмий-назарий ёндашувлар шарҳи асосида мавжуд назарияларни, муаллифнинг фикрича, статистик гуруҳларга ажратиш мумкин: классик, кейнс, монетаристик, институционал, социалистлар. Улар бир-бирини тўлдиради, лекин замонавий меҳнат бозорининг мазмунини яхлит таърифлай олмайди. Тадқиқотда муаллиф томонидан меҳнат бозорига қуйидагича таъриф ишлаб чиқилган: меҳнат бозори бозор иқтисодиётининг муҳим таркибий элементларидан бири бўлиб, у «ишчи кучи» деб номланувчи товарни нормал такрор ишлаб чиқариш ва ундан самарали фойдаланишни таъминловчи ижтимоий муносабатлар тизимидир.

2. Тадқиқотда аниқланишича, маҳалла – меҳнат бозори ва аҳоли ҳолатини энг яхши билувчи тузилма бўлиб, муаллиф таклиф қилган статистик кўрсаткичлар тизимини республика амалиётига жорий этиш натижасида меҳнат бозоридаги муаммоларни маҳаллалар кесимида аниқлаш учун илмий асос яратилди, бу муаммоларни бартараф этиш учун тезкор тадбирлар ишлаб чиқиш имконини берди.

3. Олиб борилган тадқиқотлар ва статистика идораларининг амалий фаолият тажрибаси асосида мамлакат бўйича йиғиладиган ахборот бир органда (марказий) тўпланиши ва у орган томонидан иқтисодий-статистик таҳлил қилиниши зарурлиги асосланган. Бу ишни амалга ошириш учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қошида меҳнат бозори бўйича маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашнинг Ягона марказий маълумотлар базасини ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

4. Муаллифнинг фикрича, ишчи кучи экспорти қиймати деганда, хорижда ишлайдиган Ўзбекистон фуқароларининг ватанига юборган валюта, товарлар, бойликлар қиймати тушунилади. Меҳнат миграцияси кўрсаткичлари асосида иммиграциядан кўрилган фойда ва эмиграциядан кўрилган зарар кўрсаткичлари, интеллектуал салоҳиятни йўқотиш коэффициентларини ҳисоблаш зарурлиги исботланди.

5. Миграция ҳисоби турли усулларда олиб борилади, улардан энг муҳими аҳолини рўйхатга олишдир. Шу муносабат билан, диссертацияда пандемия шароитида Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда ўтказиладиган аҳоли рўйхати варақасига миграция ҳолатларини қайд этиш саволларини қўшиш лозимлиги асослаб берилиши натижасида миграция жараёнларининг самарадорлигини ҳисоблаш учун ахборот базасини шакллантириш имконияти яратилди. Бундай саволларга берилган жавобларга ишлов бериш асосида олинган маълумот мигрантларнинг ижтимоий-демографик тавсифлари билан биргаликда нафақат меҳнат миграциясининг аниқроқ сифат ва миқдор баҳоланишини кўрсатади, балки унинг турини ҳам белгилайди.

6. Диссертацияда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига иш билан бандлар сони, меҳнат унумдорлиги ва оралиқ истеъмоли ҳиссаси каби омилларнинг таъсири ҳисоб-китоб қилиниб, мустақиллик йилларида (1991–2020 йй.) ЯИМнинг қўшимча ўсишига меҳнат унумдорлигининг таъсири 54,5 фоизни, бандлар сонининг таъсири 24,3 фоиз ва 21,2 фоиз оралиқ истеъмоли салмоғининг ўзгариши ҳисобидан амалга ошганлиги аниқланди.

7. Кўп омилли статистик таҳлил учун танланган омиллар кўрсатдики, Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг суръати бир фоизга ошса, иш билан банд аҳоли сонининг ошиш суръати ўртача 1,40 фоиз пунктига, меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ошиш суръати бир фоизга ошса, иш билан банд аҳоли сонининг ошиш суръати ўртача 1,85 фоиз пунктига ошиши мумкинлиги аниқланди. Коронавирус пандемияси натижасида Ўзбекистон Республикасида банд аҳоли сонининг ошиш суръатлари ўртача 3,85 фоиз пунктига камайган. Модель бўйича ҳисобланган барча мезонлар моделнинг статистик жиҳатдан адекватлигини кўрсатди.

8. Статистик таҳлил даврида (1980 – 2020 йй.) халқаро меҳнат бозорида янги тенденция, яъни ривожланган мамлакатларга «ақлларнинг оқиб кетиши» юзага келди. Ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистондан бошқа давлатларга кетган ва ўқишни тугатиб қолиб кетганлар сони ярим миллиондан ошганлиги ва охириги беш йилда, кўп бўлмаса-да, уларнинг Ўзбекистонга қайтиб келиш суръати ошиб бораётганлиги аниқланди.

9. Меҳнат бозори кўрсаткичларини ҳам натижавий, ҳам омилли белги сифатида ўрганиш зарур. Буни исботи сифатида иш билан бандлар сони ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларининг ЯИМ ҳажмига таъсирида кузатиш мумкин. АҚШда ЯИМ ҳажми ошишининг 70 фоизи, Японияда 80 фоизи, Ўзбекистонда 79 фоизи, Германияда эса 41 фоизи меҳнат унумдорлигининг ўзгариши ҳиссасига тўғри келганлиги аниқланди, қолган қисми эса иш билан бандлар ҳисобига тўғри келди. АҚШ мисолида иш билан бандлар сонини натижавий белги деб олиб, унга таъсир қилувчи омиллар (6 та) корреляцион-регрессион моделлар ёрдамида ўрганилди ва омиллардан энг кучлилари миграция сальдоси ва иқтисодий глобаллашув эканлиги исботланди.

10. Республикамизда иш билан бандлик даражасини ошириш ва меҳнат бозорини бошқаришдаги устувор йўналишлар аввало олдиндан чуқур ўйланган стратегик вазифаларни бажаришга қаратилган бўлиши лозим. Диссертант томонидан келтирилган стратегик вазифалар қуйидагиларни қамраб олиши кераклиги тавсия этилди:

биринчи навбатда қишлоқ аҳолиси, шунингдек меҳнат бозорида паст рақобатга эга аҳоли қатламларининг иш билан бандлик даражасини ошириш;
иш билан бандликнинг тармоқ ва ҳудудий таркибини такомиллаштириш;
меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифнинг миқдор ва сифат (касб – малака) кўрсаткичлари бўйича уйғунлигини таъминлаш;
ишчи кучининг сифати, малакаси ва ҳудудлараро мобиллигини ошириш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.30.12.2019.I.92.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ПОВЫШЕНИЯ
КВАЛИФИКАЦИИ КАДРОВ И СТАТИСТИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

УМАРОВА МУКАДДАС АББАСОВНА

**МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ СТАТИСТИЧЕСКОЙ ОЦЕНКИ
РЫНКА ТРУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

08.00.06 – Эконометрика и статистика

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора экономических наук (Doctor of Science)

Ташкент – 2021

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована за № В2017.3.DSc/Iqt113 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном экономическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.bilim.stat.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант: **Шадиев Хамид Азимович**
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Гайибназаров Баходир Каримович**
доктор экономических наук, профессор

Мирзаев Имомназар Каландарович
доктор экономических наук, профессор

Мухитдинов Худаяр Суюнович
доктор экономических наук, доцент

Ведущая организация: **Институт прогнозирования и макроэкономических исследований при Министерстве экономического развития и сокращения бедности Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 года в __ час. на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней № DSc.29/30.12.2019.I.92.01 при Институте повышения квалификации кадров и статистических исследований Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике. Адрес: 100077, г. Ташкент, пр. Мустакиллик, д. 42. Тел.: (99871) 202-81-86; факс: (99871) 202-81-86; e-mail: instat.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института повышения квалификации кадров и статистических исследований (зарегистрирована под номером __). Адрес: 100077, г. Ташкент, пр. Мустакиллик, д. 42. Тел.: (99871) 202-81-86; факс: (99871) 202-81-86; e-mail: instat.uz.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года
(протокол реестра №__ от «__» _____ 2021 года).

С.С. Гулямов
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.э.н.,
академик АН РУз

К.Х. Жумаев
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, к.э.н., доцент

Б.К. Гайибназаров
Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.э.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Происходящие в мире процессы глобализации, инновационное развитие и пандемия, а также социально-экономические реформы, проводимые во многих странах, требуют организации современного рынка труда и его статистической оценки. Основная цель создания такого рынка – это повышение качества жизни населения, для чего требуются рост занятости трудоспособного населения, снижение уровня безработицы, создание современных рабочих мест, поддержка населения страны, особенно малообеспеченных его слоёв, определение резервов рабочей силы, подготовка кадров, отвечающих современным требованиям. Согласно прогнозам Международной организации труда (МОТ), в 2021 году ожидается, что уровень безработицы в целом по миру составит 6,5 %, а ее численность – более 200,0 млн. человек¹. Между тем 2020 год стал поворотным периодом почти для четверти населения мира. Так по расчётам специалистов «Бостон консалтинг групп» (BCG), почти 2 млрд. человек подвержены риску стать безработными или занятыми на половину дня. Вследствие пандемии, каждый шестой человек в мире может остаться без работы, уровень безработицы превысит 17 %².

В мире учреждениями – активными участниками рынка труда – проводятся научно-исследовательские работы, направленные на обеспечение научных решений ряда проблем, в частности таких, как формирование структур для осуществления статистического моделирования и анализа, статистического прогнозирования уровня использования трудовых ресурсов, неформальных трудовых отношений и сегментации рынка труда, а также влияния процессов миграции на экономический рост страны. В данной сфере деятельности предпринимаются отдельные исследования по вопросам комплексного подхода к системе статистических показателей и составлению моделей, повышения качества статистического анализа, совершенствования регулирования и оптимального управления элементами рынка труда.

В нашей стране уделяется особое внимание вопросам анализа и прогнозирования статистических показателей, отражающих основные элементы рынка труда, например такие как обеспечение занятости привлекаемых сюда молодых трудовых ресурсов, организация новых рабочих мест, развитие надомного труда, внедрение в различных сферах кластерной системы, выделение малообеспеченным семьям крупного рогатого скота, внедрение в практику других адресных инвестиционных программ, координация процессов миграции рабочей силы в результате расширения масштаба взаимных экономических связей с зарубежными странами. В «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» в качестве основного приоритетного направления установлено

¹<https://www.ilo.org> International Labor Organization. The leading source of labour statistics. SDG indicator 8.5.2-Unemployment rate (%)-annual

²<https://uz.sputniknews.ru/world/20200531/14255555/V-2020-godu-chetvert-naseleniya-planety-mozhet-poteryat-rabotu-iz-za-COVID-19.html>

повышение реальных денежных доходов и покупательной способности населения, дальнейшее сокращение количества малообеспеченных семей и уровня дифференциации населения по доходам, создание новых рабочих мест и достижение рациональной занятости населения, прежде всего, выпускников средних специальных и высших учебных заведений, обеспечение сбалансированности и развитие инфраструктуры рынка труда, сокращение уровня безработицы, создание условий для трудоспособного населения с целью наиболее полно реализовать их трудовую и предпринимательскую активность, повысить качество рабочей силы, расширить систему профессиональной подготовки, переподготовки и повышения квалификации лиц, нуждающихся в трудоустройстве³. Решение этих задач требует совершенствования вопросов последовательного повышения занятости и реальных доходов населения в нашей республике, определения списка районов и городов со сложной ситуацией на рынке труда, создания новых рабочих мест в регионах с высоким уровнем безработицы и сложным положением на рынке труда.

Результаты диссертационного исследования в определённой степени послужат реализации задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5635 от 17 января 2019 года «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год активных инвестиций и социального развития», постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3856 от 14 июля 2018 года «О мерах по совершенствованию и повышению эффективности работы по обеспечению занятости населения», постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №1011 от 22 декабря 2017 года «О совершенствовании методики определения численности населения, нуждающегося в трудоустройстве, включая методику обследования домохозяйств по вопросам занятости, а также разработки баланса трудовых ресурсов, занятости и трудоустройства населения» и других нормативно-правовых документах, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁴. В мировом масштабе научные исследования, связанные с совершенствованием

³ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». // Народное слово. 8 февраля 2017 г.

⁴ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации составлен на основе следующих источников: <https://www.bls.gov>, Quarterly Benchmarking for the Current Employment Survey Matthew Dey, U.S. Bureau of Labor Statistics, Mark A. Loewenstein, U.S. Bureau of Labor Statistics [www.ilo.uz](http://www ilo.uz), ILO Labour Force Estimates and Projections (LFEP) 2018 Key Trends; <https://www.econ.msu.ru/> 13 октября 2015 года в Совете Федерации Федерального собрания экономического факультета МГУ проф. Ионцев В.А. Программы научной конференции «Демографическое развитие России: новые вызовы и возможные решения проблем», <http://ifmr.uz/> Чепель С.В.

методологических основ статистического прогнозирования рынка труда, проводятся Bureau of Labor Statistics under the US Department of Labor (США), International Labor Organization (Швейцария), Federal Statistical Office under the Ministry of Interior of Germany (Германия), а также ведущими научными центрами и университетами мира University of Oxford (Великобритания), University of California (США), Yonsei University (Республика Корея), международными организациями United Nation Statistical Commision UNDP, UNESCO, Московским государственным университетом экономики, статистики и информатики, Российским экономическим университетом (Россия), Ташкентским государственным экономическим университетом (Узбекистан).

В результате исследований по совершенствованию и повышению эффективности управления рынком труда в мире достигнуты следующие результаты: разработаны методики установления ставок минимальной заработной платы и максимального рабочего времени, программы борьбы с безработицей с учётом условий пандемии (Bureau of Labor Statistics under the US Department of Labor); усовершенствована методология оценки влияния в современной экономике цифровых платформ по труду на предприятиях, работников и общества в целом (International Labor Organization); проведена оценка влияния безработицы, занятости, заработной платы на экономический потенциал страны (Federal Statistical Office under the Ministry of Interior of Germany); обоснована необходимость формирования структур для статистического моделирования и анализа рынка труда, направленные на эволюционного агента (Yonsei University, Республика Корея); разработаны направления решения проблем и новых вызовов в демографическом развитии России (Московский госуниверситет им. М.В.Ломоносова).

В частности, проводятся исследования по совершенствованию методологических аспектов статистической оценки мирового рынка труда в следующих направлениях: совершенствование научных основ таких вопросов, как моделирование аналитического и симуляционного прогноза рынка труда; оценка и прогнозирование численности занятых по видам экономической деятельности; прогноз количества рабочей силы, числа занятых и безработных.

Степень изученности проблемы. Этапы (периоды) формирования рынка труда являются достаточно сложными и этот процесс неразрывно связан с экономическими состояниями, проявляющимися при переходе от одной системы к другой. Некоторые аспекты научно-теоретических и методологических пробл обеспечения занятости населения, решения вопросов, касающиеся деятельности рынка труда, отражены в научных работах таких зарубежных учёных-экономистов, как Дж.М.Кейнс, Р.Е.Лукас, А.Освальд, Х.Розен, Ж.Рудебш и Ф.Хайек⁵.

Миграция: фактор или барьер для инклюзивного экономического роста на постсоветском пространстве; <https://www.bls.gov/>, <https://www.destatis.de>, <https://ec.europa.eu>; www.ilo.uz, ILO Labour Force Estimates and Projections (LFEP) 2018 Key Trends.

Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Избр. /Дж.М.Кейнс. – М.: Эксмо, 2007. – 960 с; Lucas R. E. Tobin and Monetarism: A Review Article. Journal of Economic Literature. – 1981. №6 P. 562; Oswald A. The Economic the ory of trade unions: an ntroductionary survey. Scandinavian Jorنال of Economics. –1985. V. 67. P. 160 – 193; Rosen H. Quandt R. E. Estimating a disequilibrium aggregate labour market. Reviem of Economicsand Statistics –

Проблемы трудовых отношений в развитии рынка труда, безработицы, эффективной занятости при переходе на рыночную экономику, регулирования рынка труда, а также вопросы их статистического анализа и прогнозирования достаточно широко изучены в научных исследованиях учёных стран СНГ таких, как Е.В.Ванкевич, Н.А.Горелов, Т.И.Заславская, В.Г.Костаков, А.Э.Котляр, И.С.Маслова, А.А.Никифорова, Ю.Г.Одегов, Г.Г.Руденко, С.Г.Струмилин, В.И.Плакся⁶, С.А.Айвазян, М.Ю.Архипова, Т.В.Сарычева, Н.В.Стройкина, Т.А.Дуброва, Е.А.Долгих Ю.П.Лукашин, В.С.Мхитарян, А.Л. Орлова, А.А. Пересецкий, А.А.Френкель⁷.

Видными учёными-экономистами нашей республики, такими как К.Х.Абдурахмонов, Н.С.Аликориев, З.Акбарова, Г.К.Абдурахманова, Л.М.Максакова, Ш.Ю.Махкамова, Х.И.Муминов, К.З.Хомитов, Р.А.Убайдуллаева, Ш.Р.Холмуминов, Н.Хужаев, Т.Ш.Шодиев, С.С.Гуломов, Б.К.Гайибназаров⁸ и другие, проведены исследования по теоретическим и

1978 V. 60. P. 371 – 379. Rudebush C.D. Testing for Labour market disequilibrium with and exact excess demand disequilibrium model. Review of, Economics and Statistics. – 1986. V. 68. P. 468–476; Хайек Ф. Безработица и денежная политика. Правительство как генератор «делового цикла». // Экономические науки. – М., 1991. №1 С.91 – 95.; №11. С. 57 – 66; №12. С. 39 – 48.

